O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 28 февраль, № 42 (4195) Чоршанба

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 февраль куни Оқсаройда Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнгни қабул қилди.



Мун Хаёнг 2004 йилнинг сентябридан буён мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки бор учрашдилар. 2005 йилнинг майида Корея Республикаси Президенти Но Му Хён давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келди. 2006 йилнинг мартида эса Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи бўлиб ўтди.

Мазкур саммитлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаб, ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Айниқса, 2006 йилдаги Сеул учрашуви якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Ислом Каримов элчи билан суҳбатда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда халқаро сиёсатга доир масалаларда мамлакатларимизнинг қарашлари ўхшашлиги икки давлат алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг энг ишончли шерикларидан, деб билади. Савдо ва сармоя борасида Корея Республикаси нафақат Осиё қитъаси, балки дунё миқёсида ҳам мамлакатимизнинг асосий ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил Корея Республикасига давлат ташрифига қадар бу ўлкадан мамлакатимизга 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилган бўлса, ташриф якунида имзоланган ҳужжатлар келгусида яна қўшимча 1,8 миллиард долларлик сармояни ўзлаштиришни назарда тутади.

Корея раҳбарияти Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, хориж сармоядорлари учун яратилган қулай шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жанубий Корея Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бозорларига чиқишда юртимиз имкониятларидан фойдаланишдан манфаатдор.

Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизда ўзаро шерикликда тузилган 138 қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 37 йирик фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ижтимоий соҳадаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшаётир. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари ҳам биргаликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқдалар. Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Муносабатларнинг бундай даражага кўтарилишида Президентларнинг ҳамфикрлиги, ўзаро келишувлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, келишувларни амалиётга татбиқ этишда кўплаб соҳалар вакиллари, жумладан, дипломатлар самарали меҳнат қилаётганини ҳам таъкидламоқ жоиз. Мун Хаёнг ана шундай шахслардан биридир.

Учрашувда Президент Ислом Каримов икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Корея Республикаси элчиси Мун Хаёнгга Ватанимизнинг "Дўстлик" орденини топширди.

М.Хаёнг юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистондаги фаолияти самарали кечгани ва юқори баҳоланганидан мамнунлигини, юртимизда ўтказган йилларини унутмаслигини таъкидлади.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Унда комиссиянинг 2006 йилги фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди ва 2007 йилги иш режаси тасдиқланди.

Йиғилишда теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг телерадиоэшиттириш объектларини ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсиз фаолият юритишини ташкил этиш бўйича амалга оширган ишлари мониторинги натижалари, шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот тингланди.

Шунингдек, теледастурлар тарқатиш ва маълумотлар узатиш тизимида хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий оммавий ахборот воситалари телемаҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш учун лицензия ҳамда ҳуқуқига эга бўлиш, теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қамров ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

«Руҳимиз тетик, димоғимиз чоғ»

Бўз туманидаги «Улуғбек» фермерлар уюшмасининг сардори Муроджон Аллаёров шундай деркан, чўл изғиринидан бироз қорайган чехрасига бир чимдим табассум қўнди.

Кейин завқ-шавқ билан сўзлай кетди:

— Биласиз, илгари колхоз-совхозлар бўларди. Агроном эдим. Ўша даврда ҳафталаб, ойлаб чўзиладиган ишни ҳозир бир кунда уддалаяпмиз. Бу нимадан? Кайфиятнинг яхшилигидан, ишдан кўнгил тўқлигидан. Одам қачон хотиржам, хушвақт бўлади? Қачонки, омборида ғалласи бўлса, тандирида нон ёпилиб турса, кўрасидан қўй-қўзиси узилмаса. «Эртага нимани еб, нимани ичаман, болаларимга нимани кийдираман» деган

Ёруғ манзил

ҳадик билан яшамаса.

Шукр, белимиз бақувватлашяпти. Ўз еримиз бор. Боғимиз, чорвамиз бор. Ахир, биз энди унча-мунча одам эмас, мулкдормиз. Боз устига, биз, деҳқонларга қайишадиган, бой-бадавлат бўлишимизни истайдиган Президентимиз бор! Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида биз ҳақимизда сўз юритиб, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш хусусида йўл-йўриқлар берадилар. «Деҳқон бой бўлса, юрт бой бўлади» деб уқтирадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида ҳам давлатимиз раҳбари янгиланиш жараёнини тезлаштириш, мустаҳкамлаш, қишлоқларни обод қилиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Бу рағбат кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади, албатта. Ҳозиргача мавжуд 4795 гектар буғдойзорни дорилаб, унинг саксон фоизини суғорганимиз аслида бўзликларнинг кайфияти аъолигидан далолат бериб турибди.

Тумандаги чигит экишга мўлжалланган 7134 гектар майдон ҳам 492 та фермер хўжалиги тасарруфида. Қишлоқ мулкдорлари жорий йилда пахтадан 28,7, буғдойдан 33 центнердан ҳосил етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айни чоғда 223 гектардан иборат боғнинг 17 гектари ҳам янгиланмоқда. Айниқса, фермерлар чорвачилик билан паррандачиликни ҳам ўз қўлларига олаётгани қувонарлидир. Масалан, «Ўринбой Пўлатов» фермер хўжалиги минг бош паррандани парваришлаётган бўлса, Бобур номли фермерлар уюшмасида минг бош товуқ тухум бера бошлади. «Имомали Ҳожиакбаров» фермер хўжалиги жамоаси эса ярим гектарлик кўлда балиқ боқаётир.

Президентимиз ўз маърузасида кўплаб фермерлар мажбуриятларини бажариб, ўз даромадидан орттириб, мактаб, боғча қураётганликларини мамнуният билан таъкидладилар. Бўзда ҳам шундай фермерлар кўплаб топилади. Шулардан бири — «Тожибой-Жўрахон» фермер хўжалиги раҳбари Жўрахон ака.

— 46 гектар ерим бор, — дейди у. — Асосан пахта ва буғдой етиштираман. Икки ўғил, икки қизим ёнимда. Қанча яхши ишласак, ўшанча даромад топишимизни энди тушуниб етдик.

— Сир бўлмаса, айтингчи, ўтган йили қанча даромад олдингиз?

— Соф фойда ўн миллион сўмга етди. Бундан ташқари, омборларимизга ботмонлаб дон тўкилди. Биргина бизнинг оиламизга уч тонна дон тегди. Буни пулга чақсангиз, ҳазилакам бўладими?

— Чорвачиликкаям қўл урибсиз, ростми?

— Одатда қишлоқ одамлари қўй-мол боқишга жудаям иштиёкманд бўлади. Унинг емиши масаласи ҳал этилса, чорва ўз-ўзидан ривож топади. Мен бунга ишонаман. Чунки ҳозир кўп гўшт берадиган курка парваришини йўлга қўйиб олдим. Энди балиқчилик хўжалиги ташкил этишни режалаштириб турибман.

Имони бут, саховатпеша одам борки, топганини кўтариб кетмайди. Атрофдагиларига ёрдам қўлини чўзади. Жўрахон ака ва унинг сафдошлари ҳам маслаҳатни бир жойга қўйиб, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳисоб рақамига бир миллион сўм ўтказиб берди. Кам таъминланган оилаларга беш юз минг сўм, ободонлаштириш ишларига эса уч юз минг сўм ажратди.

«Улуғбек жавоҳири», «Мўминжон баракали», «Муроджон», «Комилжон», «Миришкор» сингари 33 та фермер хўжалиги ҳам уларга ҳавас қилиб, тумандаги юқумли касалликлар шифохонасининг биносини таъмирдан чиқариб берди. Айни кунларда яна бир гуруҳ мулкдорлар «Янги ҳаёт» маҳалласига «занғори олов» келтириш мақсадида беш километр масофага қувур тортмоқдалар.

— Фермер хўжаликларининг ширкатлардан ҳар жиҳатдан афзаллигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда, — дейди туман ҳокими Бахтиёржон Абдуллаев. — Хабарингиз бор, ширкатларнинг янги техника воситалари сотиб олишга умуман қурби етмасди. Эндичи? «Набибой замини», «Улуғбек жавоҳири», «Акмалжон Абдуллаев» сингари фермер хўжаликлари икки-уч йилдаёқ қаддини тиклаб, лизинг асосида энг замонавий тракторлар, тирков мосламаларини харид қилдилар. «Дилшодбек Бозоров» ва «Тўлашбой — Темурбек» каби фермер хўжаликлари раҳбарлари эса «Нексия» ва «Матиз» русумли енгил автомобилларни сотиб олдилар.

Ўтган йили, шунингдек, туманда учта мактаб, битта лицей биноси таъмирдан чиқарилди. 200 та кам таъминланган оилага қорамоллар бепул тарқатилди. Ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Бу йил эса 4 та ўқув даргоҳи янги қиёфа касб этади, бири иккинчисига ўхшамайдиган ҚВПлар тикланади. Бу сингари кенг қамровли ишларга ҳам фермерлар ўз улушларини қўшадилар, албатта.

Бўзликлар «Баҳор биздан бошланади», дейишади. Яшариш, янгиланиш фаслини улар, энг муҳими, яхши кайфият, бардамлик, руҳан тетиклик билан қарши олаётирлар. Маҳаллаларда бошланиб кетган ободонлаштириш ишлари, далаларда авж олаётган юмушлар, чигит қадаш учун пухта ҳозирлик кўрилаётгани аслида ана шу кўтаринкилик, аҳилликнинг ифодасидир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Деҳлидаги етакчи ҳинд олий ўқув юртларидан бири — Амити университетида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Халқаро бизнес уфқлари» мавзуидаги конференция бўлиб ўтди.

Деҳлида Ўзбекистон иқтисодиёти тақдимоти

Уч кун давом этган мазкур анжуманда Ҳиндистоннинг турли вазирлик ва идоралари, йирик маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари ҳамда Деҳлида аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг раҳбарлари иштирок этди.

Учрашув қатнашчилари замонамиз иқтисодий муносабатларида рўй бераётган ўзгаришлар, аҳамияти тобора ошиб бораётган халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Анжуман доирасида мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси томонидан «Ўзбекистон: 2006 йили ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари ҳамда Ҳиндистон билан ўзаро иқтисодий ва бизнес ҳамкорлигининг имкониятлари» мавзуига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасида 2006 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишдаги маърузасида кўтарилган долзарб масалалар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, 2007 йил мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан боғлиқ масалалар ҳам тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбир савол-жавобларга бой бўлди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонаси Амити университети томонидан таъсис этилган олтин нишон ҳамда «Дипломатия муносабатлари ривожига қўшган ҳиссаси учун» ёрлиғи билан тақдирланди. Ёрлиқда Ўзбекистон элчихонасининг икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатларини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик сўзлари ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг Деҳлидаги дипломатия ваколатхонаси ушбу мукофотга иккинчи маротаба сазовор бўлди.

Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Деҳли.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида хотин-қизларнинг юртимиз ҳаёти барча жабҳаларидаги фаоллигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазалаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари туман ва шаҳар хотин-қизлари қўмиталари раҳбарлари учун ташкил этилган навбатдаги махсус курс машғулотларида давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга оид масалалар чуқур ва атрофлича таҳлил этилди.

Тадбирнинг очилишида мазкур академия ректори Қ.Назаров, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашдек масъулиятли жараёнда хотин-қизларнинг иштироки ва нуфузи тобора ошиб бораётганини таъкидладилар.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллат генофондини сақлаш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги мавжуд қонунчилик янада такомиллаштирилиши билан бирга, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар қўлами тобора кенгаймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги эзгу ишларни юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар ва янгиланишлар даражасига кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Фармонга мувофиқ соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, чекка ҳудудларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

Айни пайтда ишбилармон хотин-қизлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш, хотин-қизлар қўмиталарининг "Ижтимоий ҳимоя ойлари" Давлат дастури доирасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Беш кун давом этадиган махсус курсда "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш", "Фуқаролик жамияти институтлари", "Ижтимоий ҳимоя — барқарор тараққиёт омили", "Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асоси", "Жамиятни демократиялаштириш жараёнида бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари", "Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари" каби мавзуларда маърузалар тингланади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Кўргазма

Куни кеча "ЎзЭкспоМарказ"нинг 1-павильонида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари кўргазмаси очилди. Кўргазма 10 мартгача давом этади.

Муҳташам мактабларга мукаммал жиҳозлар

— Асосий мақсад, — деди кўргазманинг очилишида қатнашган халқ таълими вазири Т. Жўраев, — Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги "2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги 493-сонли қарори ижросини таъминлашдир. Шунингдек, 2006 йилда жойларга етказиб берилган мактаб жиҳозларининг бугунги кундаги аҳволи, сифат ва дизайн кўрсаткичлари билан бир қаторда, умумтаълим мактабларига етказиб бериладиган жиҳозлар бўйича ўқитувчилар, методистлар, мутахассислар, ота-оналар, ўқувчилар ва жамоатчилик фикрларини ўрганишдир.

Кўргазмада 50 га яқин мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари ишлаб чиқарадиган корхона ва ташкилотлар иштирок этмоқда.

2005-2009 йилларда Давлат умуммиллий Дастурига киритилган жами 8476 та мактабни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланиши режалаштирилган.

Умуммиллий дастур асосида республикамизнинг барча ҳудудларида янги мактаблар қад кўтараётгани ҳеч кимга сир эмас. 2007 йилда республика бўйича жами 1951 та, жумладан, 62 та янги мактаб биноларини қуриш, 497 та мактаб биноларини капитал реконструкция қилиш, 676 та мактаб биноларини капитал ва 716 та мактаб биноларини қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Энг муҳими, мактаблар билан бир қаторда вилоятдаги барча таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда мебель ва спорт анжомлари билан талаб даражасида жиҳозланиши ҳам Давлат умуммиллий дастуридан алоҳида банд сифатида ўрин олган. Катта авлод вакиллари яхши биладиларки, собиқ иттифоқ таълим тизимидаги муаммоларнинг бизга "мерос" ўтиши сабаб жойлардаги аксарият мактабларнинг кимё, физика, биология фан хоналарининг ўқув-лаборатория асбоблари билан жиҳозланиши талаб даражасида эмас эди. Замонавий компьютер технологияларида таълим олиш эса ушалмас орзудек эди. Бугун ана шундай муаммоларни бутунлай бартараф этиш мақсадида, бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси орқали белгиланган дастурга асосан республика бюджети ҳисобидан катта миқдорда маблағ ажратилди.

Шерзод АҲМАТОВ, Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати ходими.

МИЛЛАТИМИЗГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

2007 йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим бир воқеа билан бошланди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО (ISESKO) томонидан суюкли шаҳримиз Тошкент 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди. Бу хушхабар юртимизда алоҳида бир қувонч ва мамнуният ҳислари билан кутиб олинди. Ушбу воқеа халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиш туғдирди.



Президент интервьюсини ўқиб...

Ҳа, Тошкент шаҳрининг бундай олий эътирофга сазовор бўлганлиги элимизни қувонтирди. Шу билан бирга, тан олишимиз керакки, кўпчилик ватандошларимиз хаёлида: Тошкент шаҳри бундай юксак номга эришганлигининг сабаблари нимада экан? «Ислом маданияти пойтахти» ибораси қандай маъноларни англатади? — деган саволлар ҳам йўқ эмасди. Тўғри, бу масалада ҳар кимнинг ўз фикр-мулоҳазалари бор. Аммо бу фикрлар ўзимизга яраша, шахсий ўй-тасаввурларимиз даражасида эди. Мана, матбуотда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг айнан шу масалага доир «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбири билан суҳбати эълон қилинди. Фундаментал мазмунмоҳиятли бу суҳбат-интервьюда Тошкентга 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» номи берилишининг улкан аҳамияти ҳар тарафлама таҳлил этиб берилган. Халқимиз ўз хаёлидаги кўпгина саволларга мана шу интервьюдан энг мукаммал жавобларни топди.

Табиийки, мусулмон оламидаги ҳар бир давлат пойтахти бундай юксак эътирофга муносиб бўлишни орзуҳавас қилади. Аммо мусулмон Шарқидаги 60 га яқин давлат орасида 2007 йилда бундай мартабага Ўзбекистон, ўзбек халқи ва пойтахтимиз Тошкент муяссар бўлди. Бу — мусулмон оламининг халқимизга улкан эҳтиромининг эзгу бир ифодаси эди. Миллатимиз эса бундай эҳтиромга, чиндан ҳам, лойиқдир.

Юртбошимиз ўз интервьюсининг сарлавҳасидаёқ, ўзбек халқи тарихда Ислом маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган бир халқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бутун интервью давомида эса биз бунинг кенгайтирилган таҳлилини топамиз. Дарҳақиқат, она заминимиз бағрида туғилиб, охир-оқибатда, диний ва дунёвий илмлар майдонида оламшумул ютуқларни қўлга киритган шундай алломаларимиз борки, улар ислом илм-фани, маданиятини кўкларга кўтардилар. Мусулмон дунёси Туронзаминда етишган пиру аллома бобокалонларимиз номи ва хотирасини асрлар мобайнида эъзозлаб келмоқда. Бу улуғ сиймолардан қолган ҳикматлар, ўгитлар инсониятнинг маънавий ва ахлоқий комилликка интилиш йўлида ҳамон ҳидоят машъалаларидай порлаб турибди. Бундай нурли сиймоларни вояга етказган экан, юртимиз Ислом маданиятининг доимо тавоф қилишга арзийдиган марказларидан бири бўлиб қолаверади.

Бу заминда дунёвий илм-фаннинг ҳам алп намояндалари етишиб чиқди. Ғурурланиб айтамизки, ҳанузгача Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам туронзаминлик алломаларнинг соясига салом беришади. Бундай аллома боболари бор азиз ва суюкли шаҳримиз Тошкент «Ислом маданияти пойтахти» деган номни қозонишга минг бора ҳақлидир!

Давлатимиз раҳбари интервьюсининг аввалида ана шундай улуғ ҳақиқатлар тўғрисида сўз боради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ватанимизда Ислом маданиятини ардоқлаш борасида бошқа кўп мамлакатлар ҳавас қилса арзийдиган ғоятда катта қўламли ишлар амалга оширилди. Бу тўғрида гап кетар экан, яна биз беихтиёр Президентимизнинг бу йўналишдаги улкан хизматларини алоҳида эътироф этишимиз керак бўлади. Айнан Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда исломий қадриятлар юксак даражада эъзоз топди. Мамлакатимиз тарихида ўтган аллома аждодларимиз руҳини шод этиш, хотираларини эъзозлаш йўлида кўпдан-кўп хайрли саъй-амаллар бажарилди. Улуғ зотларнинг хоки-табарруклари ётган манзиллар обод, гавжум зиёратгоҳларга айлантирилмоқда. Улардан қолган илмий ва маънавий мерос тағин халқимиз маънавияти кўкида нур соча бошлади. Миллий диний урф-одатлар ва байрамлар қайта жонланди. Мамлакатимизда Тошкент Ислом университетидай олий исломий таълим маркази ёш авлодга ўз эшикларини очди... Санайверсак, бундай хайрли амалларнинг адоғи бўлмайди. Шак-шубҳасиз, Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб ном олишида юртимизда истиқлол даврида рўёбга чиқарилган мана шундай катта қўламдаги эзгу ишлар ҳам бош мезонлардан бири бўлган, албатта.

Яна шуни мамнуният билан айтиб ўтгимиз келадики, Ислом маданияти Ўзбекистон бағрида фақат таълимот бўлиб қолаётгани йўқ, балки халқимиз турмуш тарзининг, феъл-атворининг негизини ҳам амалда белгиламоқда. Юртимизда Инсон ва унинг манфаатлари юксак қадрият деб эътироф этилганлиги, кучли ижтимоий сиёсат — ислоҳотлар асосида ётганлиги, ҳомийлик, саховат, савоб тушунчаларининг қадри элимизда тобора баланд тутилаётганлиги, ниҳоят, халқимизнинг бошқа кўп халқларга ибратли бағрикенглиги, ватанимизда турли миллатлар ва элатларнинг вакиллари тили, дини, урф-одатлари ва инсоний ҳақ-ҳуқуқлари юксак ҳурматда эканлиги... Булар барчаси мамлакатдаги ҳаётнинг ва халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган исломий маданият тамойиллари эмасми?!

Президентимиз интервьюсида миллатимиз маънавиятининг ана шундай эзгу хислатлари ҳам алоҳида таъкидланган.

Ислом маданияти — улуғ ва пок маданият. У инсондаги инсонийликни беҳад қадрлайди, улуғлайди. Инсондаги инсонийликни янада ривожлантиришга сидқидилдан хизмат қилади. Бизлар бундай маданият муҳитида мавжудлигимиздан фахрланамиз. Шу боисдан, Тошкентимиз 2007 йилда ана шу улуғ, табаррук маданиятнинг пойтахти, деб эътироф этилган экан, буни биз ўзимиз учун улкан шараф деб биламиз.

Шу билан бирга, бу жабҳада эришган ютуқлар билан чекланиб қолишимиз сира мумкин эмас. Президентимиз интервьюсида мамлакатимизда ислом маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб вазифалар ва масалаларга ҳам жамоатчилик эътибори қаратилади. Масалан, табаррук китоблар, қадимий қўлёзмаларни ўқиш ва талқин этиш бобида йўл қўйилаётган ҳар хилликлар бугунги кунда дунёда турли хил низо ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда. Юртбошимизнинг бундай огоҳлантириши нафақат мамлакатимиздаги олимлару мутахассислар учун, балки кўпгина хорижий исломшунослар учун ҳам сабоқ бўларлидир. Сир эмас, туб моҳиятига кўра, дунёда инсоний комилликка интилиш манбаи бўлган диний таълимот ва қарашларни ақидапарастликка берилиб, бидъат ва жаҳолат йўналишида талқин этаётган, динни экстремистик зуғум қуролига айлантиришга уринаётган кимсалар оз эмас ва улар бундай хатти-ҳаракатлари билан инсоният бошига ачинарли ва аламли кунларни солмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг юқоридаги огоҳлантириши халқаро миқёсда ўта долзарб моҳиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг интервьюси халқимиз, айниқса, ҳозирги ёш авлод тарбиясида дастуриламал бўлиб қоладиган катта ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий аҳамиятли ҳужжатдир.

Михли САФАРОВ.

Келажакка ишонч билан

Қўнгилга қўққан гаплар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги Президент Ислом Каримовнинг маърузаси турли давраларда, турли касб эгалари орасида суҳбатларга мавзу бўлмоқда. Фермер Эрмат Усмоновнинг таъкидлашича, Юртбошимизнинг маъруза қилаётган чоғидаги кўтаринки руҳи, самимийлиги одамларга ҳам ўтибди. Инсон қилинган иши сарҳисобини бераётганда ғурурланишни ҳам билиши керак экан.

Тадбиркор Ашурали Кўзибоев «Ўша мажлисдан кейин жуда ўзимни дадил тутиб юрибман. Орқамда гўё тоғ тургандек...» дейди.

У куни кеча банкка бориб 19 миллион сўм кредит олиш учун шартнома тузиб келди. Ашурали кичик қуритиш цехи очмоқчи, 5 гектар ерда боғи бор экан. Менимча, уни энди тўхтатиб бўлмайди. Негаки, Юртбошимиз йўлни катта қилиб очиб юборди.

Касаначи Юлдуз Сатторова маърузадаги

«...60 минг одам, 60 минг оила қўшимча даромадга эга бўлди» деган сўзларни оқ қоғозга кўчириб деворга осиб қўйибди. Мана шунинг ўзиёқ ғурурни ҳам, келажакка ишончни ҳам ўзида мужассам этган.

Фарзандлар иқболи

— Биз оилада тўрт ўғил, икки қиз эдик. Отамизнинг қўли калта эди. Биронтамиз ҳам ўқимаганмиз. Умр кетмон тутиб, мол боқиб ўтди. Худога шукр, ризқ-насибамиз етарли, лекин шўролар даврида бирон касб эгаси бўлолмаганимиздан раҳматли отам ҳам, биз фарзандлар ҳам бир умр армон қилардик. Оллоҳнинг марҳаматини қаранг, ҳозир шундай катта авлоднинг барча болалари ўқимишли бўлди. Институтларда ўқигани қанча, касб-ҳунар коллежларида ўқигани қанча. Президент бир маҳал ёшлар тарбияси ҳақида гапириб: «Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин», деб қолди. Шартта ўрнимдан туриб «Тўғри, Ислом ака, шу гапнинг исботи учун лоақал Ҳошим аравакаш (отамнинг исми ва лақаби шундай эди)нинг авлодига боқсин», деб кўкрагимга уриб юборибман...

Эркабой ака бундай аломат гаплардан

кўпини айтди. Суҳбатдан билдимки, маърузадаги фикр юрагининг тўридан жой олибди. Болаларининг келажагига ишонч уйғонибди. Муҳими шу.

Ҳавас ва ҳасад

Бир танишим бор. У киши узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, жуда мулоҳазали, кенг билим эгаси. Исми Мираброр. Шу одам билан маъруза ҳақида фикрлашай деб бордим.

— Агар эътибор берган бўлсангиз, маърузада ҳавас ва ҳасад ҳақида гап бўлди. Юртимизда қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлаяпти, тараққиёт йўли аниқ, эл янгича яшашни ўзлаштириб бораяпти. Хуллас, бахтимизни, тахтимизни ўзимиз қураяпмиз. Шундай катта ишларга ҳавас билан қараш ўрнига ҳасад тошини отаётганлар камми? Ўзбекистонда бундоқ, Ўзбекистонда ундоқ, деб дунёга оёқ узатиб турибди қанчаси, баъзилари эса ўзимиздан чиқиб, ўзимизни унутган ватанфурушлар! Шунинг учун ҳавас ва ҳасад ҳақида, ука, ён дафтаримга шундай сўзларни ёзиб қўйдим:

— Ҳавас ҳамиша ғолиб, ҳасад эса мағлубдир!

— Ҳавас юртни кўкартиради, ҳасад эзгуликни тўсади.

— Ҳавас қилиш эрнинг иши, ҳасад эса номард иши.

Мираброр ака мана шундай мулоҳазали одам. Зотан, юртдаги янгиланишлар ҳаммамизнинг дилимизни тозартириб, янгилаб бормоқда.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

«Ташаббус–2007»

Муносиблар сараланмоқда

Нукус Ўзбекистон Республикаси соврини учун анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон босқичи бўлиб ўтди. Унда Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, барча туманлардан тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар қатнашдилар. "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича оқмангитлик кулол И. Жўлимбетов, "Энг яхши фермер" номинациясига кўра тахтакўпирлик С. Сейитназаров, "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича Хўжайлидаги "Сардорбек" фирмаси ғолиб бўлдилар. Улар мамлакат босқичига йўлланма олишди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Урганч Ўтган йили Хоразм вилоятида етиштирилган пахта ҳосилининг 97,5 фоизи, доннинг 65 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 62,8 фоизни ташкил этди.

Президент соврини учун анъанавий "Ташаббус — 2007" кўрик- танловининг вилоят босқичида ана шу ўзгаришлар алоҳида қайд этилди. Кўргазмада эса, туман босқичларида ғолиб бўлган 50 нафардан ортиқ фермерлар, хусусий тадбиркорлар, халқ амалий санъати усталари, кичик корхона ва микрофирмалар раҳбарлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни намойиш этдилар.

Кўрик-танловда Қўшкўпир туманидаги "Замира-Дилдора" фермер хўжалигининг раҳбари Гулбаҳор Хўжаева "Энг яхши фермер", Янгибозор туманидаги "Элинза" хусусий фирмаси раҳбари Йўлдош Эрназаров "Энг яхши тадбиркор", Хонқа туманилик ҳунарманд Одилбек Матчонов "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Андижон Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида Андижон вилоятида атиги бир йилнинг ўзида 41 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ана шундай ижобий натижаларга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Танловнинг бу йилги ғолибларини аниқлаш ҳам осон кечгани йўқ. Улар томонидан йиғилганлар эътиборига ҳавола этилган заргарлик буюмлари, кийим-бошлар, юксак дид билан ишланган сопол ва чинни идишлар, мебеллар, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари юксак баҳоланди.

Ниҳоят, якуний босқичга йўлланмани қўлга киритган совриндорлар номи эълон қилинди. Унга кўра, Андижон туманидаги "Гулсум" хусусий фирмаси раҳбари Тоҳиржон Толипов "Энг яхши тадбиркор", Улуғнор туманидаги "Мамажон бува" фермер хўжалиги етакчиси Муҳаммаджон Мирзакаримов «Энг яхши фермер», шаҳрихонлик пичоқсоз Неъматжон Содиқов "Энг яхши ҳунарманд" деб эътироф этилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Чирчиқ "Кимёгарлар" маданият саройида "Ташаббус – 2007" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди. Унда 21 нафар тадбиркор, 15 нафар фермер, 21 нафар ҳунарманд ва 56 хусусий тадбиркор қатнашди. Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар ичида, айниқса, Тошкент туманидаги "Москва деликатеслари" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган гўшт, Янгийўл туманидаги "Саховатли диёр" фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, Бекобод туманидаги "Элнур" хусусий корхонасининг турли хилдаги қурилиш материаллари одамларнинг эътиборини тортди.

Кўрик-танловда Ўрта Чирчиқ туманидаги "Мирзакаримов Тешабой ота" фермер хўжалиги "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича, Оҳангарон туманидаги хусусий тадбиркор Зарифа Баҳодирова "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича, Тошкент туманидаги "Москва деликатеслари" жамияти "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, уларга республика босқичига йўлланма берилди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Пойтахтимиздаги "ВИММ БИЛЛ ДАНН Тошкент" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган инсон саломатлиги учун фойдали сут ва сут маҳсулотларининг харидорлиги ошиб бормоқда.

Дастурхон файзи

Таъкидлаш жоизки, Италия, Франция, Россияда ишлаб чиқарилган технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона ҳозирда кунига 10 тонна миқдорда 23 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотлар жўнатишга шай; корхона микробиологи Сабоҳат Шукруллаева.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя:

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) ҳамкорлигида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорда баён қилинган асосий вазифа ва қоидаларни ўрганишга доир давра суҳбати бўлиб ўтди. "Фуқаролик форуми" лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбир аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Германия ва Ўзбекистон тажрибаси масалаларига бағишланди.

Давра суҳбати қатнашчилари эътиборига "Ижтимой ҳимоя тизимига немисча ёндашув", "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган мониторинг натижалари бўйича маърузалар ҳавола қилинди. Иштирокчилар тизимда олиб борилаётган ишлар борасида хорижий тажриба билан қизиқиб, Ф.Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари, доктор Р.Крумм билан ўзаро фикр алмашдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, ижтимоий ҳимоя масаласи коммунал соҳа, тиббий хизмат, аҳолининг бандлиги, хизмат кўрсатиш тармоқларидаги муаммоларни бартараф этишда ҳам намоён бўлади. Бунда маҳалла, турли хайрия жамғармалари, корхона ва ташкилотлар, касаба уюшмалари ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларининг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбати

— Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида юртимизда ижтимоий ҳимоя тизими тўла шакланди ва у бугунги кунга келиб, ўзини оқламоқда, — деди "Ижтимоий фикр" маркази директори Раъно Убайдуллаева ўз маърузасида. — Биргина оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларнинг изчил амалга оширилиши натижасида аввалги йилларга нисбатан она ва бола ўлимининг кескин камайишига эришилди. Бу эса соғлом келажак қуриш йўлидаги энг муҳим ютуқлардан биридир.

Давра суҳбатида фуқаролик жамиятини ўрганиш, шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида иш олиб борувчи социолог олим, ҳуқуқшунос, тарихчи, файласуф ва жамиятшунос мутахассислар, қатор нодавлат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

... мевасидан барча баҳраманд

— Устоз, мен ҳам сизга ўхшаб, инглиз тилини чуқур эгаллай оламанми?

— Албатта, астойдил ҳаракат қилсанг, омад сенга эргашаверади.

— Мен хорижий тилларни ўрганишга қизиқаман. Ҳар миллат олдида юртим таърифини келтириб, фахрланишни жуда-жуда истайман.

— Қалбингдек беғубор орзуларинг рўёбга чиқсин, болажон!

Дил изҳори

Дилноза опа бу суҳбатни асло унутмайди. Ўшанда эндигина олий ўқув юртини битириб, ишга келган эди. Ўқувчиларнинг ҳар бир саволини жон қулоғи билан эшитиб, батафсил жавоб беришга ўрганганди. Шогирдларидан бирининг унга ҳаваси шунчалик баланд эканки, келажакда инглиз тили ўқитувчиси бўлишни ният қилибди. Болаликдаги орзу уни катта ютуқлар сари етаклади. Бугунга келиб, бетиним ўқишлар ва интилишлар самараси ўлароқ, устози сингари инглиз тили мутахассиси бўлганидан қувончи чексиз.

Юнусобод туманидаги 235-мактабда ёшларга сабоқ бериб келаётган Дилноза Собировага шогирдлари беҳад ҳавас қилишлари бежиз эмас. У айрим ҳамкасбларига ўхшаб дарсларга номигагина тайёргарлик кўрмайди, аксинча, сабоғи ўқувчилари юрагига етиб бормаса, кўнгли жойига тушмайди. Бундан ташқари, уни гоҳ телевидениеда инглизча тиллашаётганини кўрасиз, гоҳ турли тадбирларда фаол қатнашаётганининг гувоҳи бўласиз.

— Яқинда Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини тинглаб туриб, зиммамизда юксак масъулият турганини яна бир бор теран англадим, — дейди Дилноза Собирова. — Айниқса, кейинги йилларда ёшларнинг билим даражасини ошириш ва етук кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Юртимизга жаҳоний билимларни эгаллаган ёшлар керак.

Д.Собирова, ўн йилдирки, юқори синфларда чет тилидан дарс беради. Шу билан бирга, мактабдаги рақс тўгарагини ҳам олиб боради. Ундан санъат сирларини ўрганаётган ёш раққосалар туман, шаҳар миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, муваффақият қозониб келмоқдалар. Муаллима шогирдларининг ҳар бир ютуғидан ўзида йўқ қувонади.

Оилада 3 нафар фарзандини ҳам оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказаётган Дилноза «Ибратли келин» танловида фахрли ўринни эгаллаган. Ўтган йил эса унинг меҳнати, изланишлари муносиб баҳоланиб, Тошкент шаҳри бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» (инглиз тили фанидан) деб топилди.

Сўзимиз ниҳоясида Дилнозанинг шиорига айланган бир ақидани келтириб ўтайлик: «Кимки, ёш қалбларга эзгулик уруғини экса, унинг мевасидан бутун жамият баҳраманд бўлади».

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Газетамизнинг ўтган йил 21 декабрь сонида чоп этилган "Молхонада... мойжувоз" сарлавҳали мақолада сурхондарёлик айрим фуқаролар яширинча цехлар қуриб, истеъмолга яроқсиз мой тайёрлашаётгани ҳақида сўз юритилганди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимининг ўринбосари П.ТАНГРИЕВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:

Хуфёна иқтисодиётга йўл йўқ

"Мақолада қайд этилган ҳолатлар мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, туман ҳокимликлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Қўлбола ёғ ишлаб чиқаришнинг олдини олмагани учун Шўрчи туманидаги "Ободон" қишлоқ фуқаролар йиғини участка нозири Б.Усмоновга нисбатан туман Давлат солиқ идораси томонидан интизомий жазо чораси кўрилди. Бундан ташқари, шаҳар ва туман ҳокимликларига, солиқ идоралари раҳбарларига мақолада тилга олинган далиллардан келиб чиқиб, хуфёна иқтисодий фаолият билан машғул жисмоний шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, келгусида бундай нохушликлар такрорланмаслиги юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилиб, ижроси вилоят ҳокимлигининг доимий назоратига олинди".

ЖАҲОН 24 соат ичида

Лондонда Эроннинг ядровий дастурини тўхтатишга қаратилган учрашув бўлиб ўтди. Унда ЕИ, Россия, Хитой ва АҚШ вакиллари иштирок этдилар. Буюк Британия вакили расмий Теҳронни ниятидан қайтариш йўлидаги барча дипломатик уринишлар самара бермаганлигини қайд этди. Музокаралар якунида томонлар Эронга нисбатан янги резолюция лойиҳасини тайёрлашга келишиб олишди. Шунга қарамай, Теҳроннинг расмий вакили мамлакатда ҳар қандай шароитда ҳам уранни бойитиш ишлари давом эттирилажагини билдирди.

Миланда Миллий тўқимачилик уюшмасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тўқимачилик билан шуғулланувчи компаниялар ЕИда кийим-кечакка нисбатан ягона ўлчов бирлигини жорий этишга келишиб олишди. Ўлчов бирлигининг номи «ЕН 13402» деб номланди. Тез орада бу бирлик иттифоқнинг барча мамлакатларида қўлланила бошланади. Учрашувда таъкидландики, барча мезонлар бундан 50 йил олдин қабул қилинган ва бу эса бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Буюк Британия Афғонистонга 1400 нафарлик қўшимча куч жўнатилишини расман маълум қилди. Мамлакат парламентининг умумий палатасида чиқиш қилган мудофаа вазири Дез Браун депутатларга бу ҳақда расман билдирди. Тез орада Афғонистонда англиялик ҳарбийлар сони 7700 нафарга етади. Бирлашган Қироллик ҳукумати ўз ҳарбийларини 2009 йилгача Афғонистонда қолдиришни режалаштираяпти.

Непал ҳукумати мамлакат қироли Гьянендрнинг барча мулкларини давлат ихтиёрига ўтказишга қарор қилди. Мазкур режани амалга ошириш бўйича махсус қўмита ташкил этилди. Бир пайтнинг ўзида мамлакат вазирлар маҳкамаси Непалнинг собиқ қироли Бирендри ва унинг турмуш ўртоғи Айшварининг мол-мулкини ҳам мусодара қилиш устида иш олиб бормоқда.

Бағдод марказида жойлашган Ижтимоий вазирлик биносида кучли портлаш содир этилди. Натижада олти киши қурбон бўлди. 25 киши жароҳатланди. Улар орасида Ироқ вице-президенти Одил Абдул Махди ҳам бор. Хунрезлик юз берган пайтда бинода мамлакатнинг юқори мартабали мулозимлари иштирокида расмий маросим ўтказилаётган эди.

Сицилия антропологлари палеолет даврига тегишли одам бош чаноғидан аёлнинг юз кўринишини тиклашди. Айни пайтда Палермо музейида сақланаётган бош чаноқ 1937 йилда Сицилияда топилганди. Унинг ёши ўртача 14 минг йил деб тахмин қилинмоқда.

Женевада Россиянинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиб кириши йўлидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Муҳокамалар норасмий тарзда ўтказилмоқда. Учрашувда Грузия делегацияси иштирок этмаяпти. Россия делегациясига Савдо масалалари бўйича музокаралар департаменти директори Максим Медведков бошчилик қилмоқда. У деярли бир ҳафта давомида қишлоқ хўжалиги, ветеринария, божхона ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш юзасидан келишувга эришиш йўлида икки ва кўптомонлама музокаралар ўтказади. Расмий Кремль вакилининг маълум қилишича, Россия ЖСТга кириш йўлида асосий ҳужжатларни имзолашга эришди.

Молдова жанубида 1200 дан 2400 метргача бўлган чуқурликда катта миқдорда нефть заҳираси топилди. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Василе Тарлев журналистларга маълум қилди. Мамлакат ҳукумати мазкур нефть конини ўзлаштиришда Озарбойжон билан ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзолади.

Баграм шаҳрида жойлашган АҚШ ҳарбий базасида теракт юз берди. Камикадзе ўзини-ўзи портлатиб юборган. Хунрезлик рўй берган пайтда АҚШ вице-президенти Дик Чейни ушбу базада бўлган. Афғонистон Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, портлаш натижасида 18 киши ҳалок бўлди, улардан уч нафари ҳарбийлардир. Дик Чейни жароҳатланмади.

Россиянинг «ГАЗ» компанияси ҳозирда зарар кўриб ишлаётган «Chrysler» автомобиль заводини сотиб олиши мумкин. Бу ҳақда Германиянинг «Фокус» журнали хабар тарқатди. «DaimlerChrysler» компанияси 2006 йилни 1,5 миллиард долларлик зарар билан якунлади. Таҳлилчилар компания иккига, яъни «Daimler» ва «Chrysler»га бўлиниб кетиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тадбиркорлик

Самарқанд шаҳридаги «Истиқлол» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари республикамизнинг барча вилоятларида ўз харидорларига эга.

— Бугунги кунда тадбиркор бўлишни хоҳловчилар жуда кўп, — дейди шу жамият раиси Шамсия Мавлонова. — Кимлар бунинг учун катта маблағ керак деса, яна бировлар ақлидрокни биринчи ўринга қўйишади. Таниш-билишларсиз иш битмайди, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Хуллас, бу соҳада нима муҳим-у, ишни нимадан бошлаш керак?

ЭЗГУ НИЯТ, ИЗЛАНИШ, ИРОДА

Масалан, ўқувчилик пайтимдаёқ тадбиркорлик қуртаклари бор эди менда. Олтинчи, еттинчи синфларда ўқирдим, ўзимча бир шиппак ясаганман, уни мактабгаям кийиб борганман. Йиқилиб тушганим ҳам эсимда.

Техникумни битириб, 1971 йилдан ишлай бошладим. Музқаймоқ цехида бошлиқ эдим, тадбиркорлик, янгилик яратиш мақсади тинч қўймасди. «Шундай қилсакки, ишлаб чиқарган маҳсулотимиз яна ҳам сифатли бўлса» деган фикр доим хаёлимда турарди. Шу мақсадда икки фарзандим бўлишига қарамасдан, Самарқанд Давлат университетининг кимё факультетини ҳам тамомладим.

Биласиз, санъатда, адабиётда янги-янги номлар ҳаёт сахнасига чиқиб келавергани каби, бозор пештахталари ҳам янги маҳсулотлар билан бойиб бориши табиий ҳол. Ҳар бир санъаткорнинг ўз мухлиси бор, демакким, ҳаётда унинг ўрни бор. Аммо бозор қонунлари бешафқат: агар одамлар эҳтиёжларини ҳар томонлама қондирадиган маҳсулот пештахтага чиқса, харидор машҳур фирманинг обрўйи, шон-шуҳратини юз-хотир қилиб ўтирмайди, ўзига манзур маҳсулотнигина сотиб олади...

Маҳсулотлар, аввало, сифатли, арзон, талабга мувофиқ бўлиши керак. Биз дастлаб ишни сутни қайта ишлаб, уч турдаги маҳсулот чиқаришдан бошлагандик. Бугун «Истиқлол» савдо ёрлиғи билан тайёрланадиган ўн тўрт турдаги қаймоқ, творог, ҳасипсимон пишлоқ ва бошқа маҳсулотларимиз республикамизнинг барча вилоятларидаги озиқ-овқат дўконларида сотиляпти.

Англияга кўргазмага борганимизда, томошабинлар бизда тайёрланган ҳасипсимон пишлоқни тотиб кўрдилар. Улар бошқа неъматлар билан солиштириб, бизнинг маҳсулотимиз ҳам сифатли, ҳам мазали эканлигини айтишди. Аслини олганда, биз ҳам бошқа тадбиркорлардан, чет эллик ҳамкасбларимиздан қолишмаймиз, фақат биз маҳсулотларнинг ташқи кўринаши ҳақида ўйлашимиз, янгилик киритишимиз керак.

Яқинда эса Хитойда бутун дунё аҳамиятига эга бўлган кўргазмада қатнашдим. Маҳсулотларни бежирим, чиройли қадоқлайдиган ускуна олиб келдим.

— Рўйи заминнинг сайқали бўлган Самарқандни бир кўриш кимлар учун орзу-армон. Сурурбахш тупроқ фарзанди бўлмоқ, унинг меҳрию тафтини ҳар лаҳза ҳис қилиб яшамоқ саодатини таъриф-лаш қийин бўлса керак?

— Самарқандни, Ўзбекистонимни ҳеч қайси давлатга алмашмайман. Мен бу ерда яшаганимдан ҳам фахрланаман.

Эшитгансиз-ку, Самарқандда пишган нонга ўхшашини ҳеч қаердан тополмайсиз. Бошқа жойга Самарқанднинг уни, суви, тандири, ўтини, ҳаттоки нонвойларини ҳам олиб борганданям, нони ўхшамаган. Мен ўйлайманки, Самарқанднинг об-ҳавоси сабабми ёки ўтиб кетган улуғ инсонларнинг руҳи қўллайдими, бу юртнинг ўхшаши, тенги топилмайди.

Германия, Англия, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда халқаро кўргазмаларда қатнашиб, она тупроғимизга қайта қадам қўйганимдан кейингина дилим осойишта бўлганини ҳис қилганман. Шу сабабдан айрим ёшлар осон пул топиш мақсадида чет элга чиқмоқчи бўлсалар, мен бундан рози эмасман. Ишласа, қўрқмасдан изланса, ҳамма иш бўлади, бойлик ҳам келади. Шунда ҳар бир инсоннинг ўзиям, жамият ҳам манфаат кўради.

— Ҳаёт синовларидан ўтиб борарканмиз, бизга ота-оналаримиз, катталар, устозларимиз қаттиққўллик билан берган сабоқларини эслайверамиз. Лекин ўз фарзандларимизга ҳамиша ҳам ана шу ибратни қўлламаймиз, кўнгли бўшлик қиламиз...

Англияга кўргазмага борганимизда, томошабинлар бизда тайёрланган ҳасипсимон пишлоқни тотиб кўрдилар. Улар бошқа неъматлар билан солиштириб, бизнинг маҳсулотимиз ҳам сифатли, ҳам мазали эканлигини айтишди. Аслини олганда, биз ҳам бошқа тадбиркорлардан, чет эллик ҳамкасбларимиздан қолишмаймиз, фақат биз маҳсулотларнинг ташқи кўриниши ҳақида ўйлашимиз, янгилик киритишимиз керак.

— Онам раҳматли яхши ишларимни мақтаб, мени рағбатлантирардилар. Мен ҳам икки фарзандим тарбиясида мана шу йўлни тутганман. Яхши баҳолар билан ўқишса, уйда юмушларимни енгиллатишса, мақтаганман. Ўрни келганда, танбеҳ ҳам берганман.

Қизим Гулчеҳра касбиннинг этагидан тутди — бирга ишлаймиз. Ўғлим Абдуллажон бўлажак иқтисодчи, фермерчиликнинг ҳадисини олган. Набиралар ҳам ўзига муносиб ишлар билан банд. Оиламизда бекорчи одам, бекор ўтган вақтнинг ўзи йўқ.

— Тажрибалардан хулоса келиб чиқади. Муваффақиятларнинг муҳим омиллари нималардан иборат экан?

— Иш жараёнида шундай вазият юзага келдики, сут маҳсулоти етишмай қолди. Шунда миямдан «Керакли сутни ўзимиз етиштирсак-чи?» деган фикр ўтди. Булунғур туманидаги бир жамоа хўжалигининг моллари озуқа етишмаётганлигидан оғир аҳволга тушиб қолганини эшитиб, шартнома асосида фермани беш йилга ижарага олмоқчи бўлдим. Шу ниятда бир тадбиркор дугонамнинг олдига пул сўраб бордим. Мақсадимни эшитиб, у «Сен шошмай тур. Мен аввал бориб молларни кўрай. Пул тикишга арзийдими-йўқми — шуни билай. Деҳқончилик бир йилда бўлса, чорвачилик қирқ йилда бўлади», деб жавоб қайтарди. Дугонам билан фермага бордик, молларнинг аҳволини кўриб, раҳми келишидан умидвор эдим. Бу иш фақат фойда эмас, савоб эканлигини тушунтиришга уриндим. Хуллас, қарз кўтариб, бошқа фермер хўжалигидан ем-хашак сотиб олдим. Тўрт ой давомида Самарқанд шаҳридан Булунғурга ем-хашак ташидим. Ҳолбуки, ҳали молларни ҳужжат асосида менга хатлаб ҳам беришмаганди. Биринчи йилдан моллар ўзига кела бошлади. Маҳсулоти кўпайди. Буни савоб дейсизми, бошқа дейсизми, эти суягига ёпишиб ётган қорамоллар оёққа турди. Ўша пайтда бир юз ўттиз бош эди, ҳозир уч юзтага етди. Кунига бир тоннадан ортиқ сут оламиз, давлатга гўшт топширамиз. Демоқчиманки, одам ўзи ишонган ишга қўл урса, Аллоҳ ҳам қўллайди, оқибати ҳам яхши бўлади...

— Мақсадга эришаяпсанми, жамиятга манфаатинг тегяптими, буни ҳис қилиб яшаш — саодат. Мана шундай пайтда қачон тиниқиб дам олганингизни эслайсизми?

— Гулларни, яшил оламни парваришлашни яхши кўраман. Айниқса, кичик набираларим билан бирга. Санъатга ихлосим баланд. Ёшлигимда бир воқеа бўлган. Ўн икки-ўн уч ёшларимда хурсанд кайфиятда ашула айтиб келаётгандим:

Ўйласам, шу дилбарим маккорга ўхшайди-ку...

Онам эшитиб қолдилар. «Нима дединг? Маккорим, дилбарим, ёрим... Сендай ёш қизчага бу гаплар уят-ку?» деб менга танбеҳ бердилар. Шундан кейин «Ашула айтиш уят экан» деган фикрга келиб, ашула айтмай қўйганман. Баъзан уйга кирсам-у, ёлғиз ўзим бир дутор чалиб, дам олсам, деб орзу қиламан. Билмадим, бу орзуни амалга оширишга имкон топаманми-йўқми? Лекин бир ҳақиқатни теран англайман: ҳаётда орзу билан яшаб, унга сабот билан интилишдан маъно ва гўзаллик кашф этасиз.

Суҳбатимиз сўнггида Шамсия Мавлоновага «Ҳаётий тажрибаларингиз кўпчиликка ибрат бўлади, деган умиддамиз. Юртимизда сиздек ишбилармонлар кўпаяверсин» дея ният билдириб, у билан хушҳол хайрлашдик.

Муҳтарама УЛУҒ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

ПЛОМБИРАТОР ВА БОСҚИЧЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 120-76-60, КОММУТАТОР: 120-76-00, ИЧКИ: 26-11, 26-08.

ТАКЛИФЛАР 2007 ЙИЛ 28 МАРТГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Saniplast «САНИПЛАСТ» Ўзбекистон–Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

«ХОРАЗМГЎШТСУТСАВДО» ОАЖ кредиторларининг йиғилиши 2007 йил 3 март куни соат 10.00 да ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Корхона мол-мулкини кимошди савдоларидан олиш.
2. Жамият мол-мулкини кредиторларга таклиф қилиш.
3. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.

«Хоразмгўштсутсавдо» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси А.Джапбаров.

Манзил: Урганч ш., Ал-Хоразмий к., 23-уй, 3-қават, 325-хона. Тел.: 226-40-62, 512-65-54 уяли.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчасида «Бахт уйи» қурилиши.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 7 ой.
Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маблағлари ва маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Отатурк кўчаси, 21-уй. Телефон: (8-3662) 33-13-59.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-«Г» корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 16.00 да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича қайтадан танлов савдолари эълон қилади:

№	Объект номи	Қурилиш муддати
1.	Пастдарғом тумани, Ойтамғали қишлоғидаги 115-сонли мактабни капитал таъмирлаш	4 ой
2.	Иштихон тумани, Ҳотамхўжа қишлоғидаги 25-сонли мактабни капитал таъмирлаш	4 ой

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой майдони», 1-уй. Телефон: (8-3662) 35-82-86. Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-«Г» корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 18.00да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Қарор ва ижро

Тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган жаҳон чемпионати, қитъа миқёсидаги футбол беллашувларини интиқиб кутамиз. Чунки ушбу чемпионатлардаги учрашувларни худди мароқли спектакль кўргандек, мириқиб томоша қиламиз. Унга дунё маҳлиё бўлади. Замонавий футбол тушунчаси ана шу омиллар маҳсули сифатида шаклланаётган бўлса, не ажаб. Балки шу сабабдандир, футболга «миллионлар ўйини» дея таъриф беришган. Мамлакатимизда ҳам футболни севувчилар сон-саноқсиз. Ана шу ишқибозлар ўзбек футболчилари иштирок этадиган ўйинлар ҳам юксак даражага кўтарилишини жуда-жуда исташади.

Миллионларнинг нигоҳи сизда

Ҳозир футболимизда янги ислоҳотлар босқичи давом этмоқда, деб айтишга ҳақлимиз. Президентимизнинг ўтган йили қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори бу соҳага кўрсатилган ғамхўрликнинг чинакам намунасидир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилаётганлиги билан қизиқиб — Ўзбекистон футбол федерациясига мурожаат қилдик.

— Мазкур ҳужжат матбуотда эълон қилингач, Ўзбекистон футбол федерациясида махсус ишчи гуруҳлари тузилди, — дейди ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи С. Ризаев. — Гуруҳ аъзолари дастлаб жойларда бўлиб, ушбу қарорнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Махсус сўровнома асосида ҳар бир вилоят футбол федерацияси, олий ва биринчи лига жамоаларининг бугунги аҳволи, молиявий имкониятлари, клубларнинг истиқбол режалари, муаммолари ва камчиликлари ўрганиб чиқилди. Терма жамоалар билан ишлаш тубдан ўзгарди.

2006 йили футболчиларимиз халқаро турнирларда яхши натижаларга эришдилар. Жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, чемпионатнинг финал қисмида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат терма жамоамиз XV Осиё ўйинларида анча муваффақиятли иштирок этди. Олимпиячиларимиз ҳам 2008 йил Пекинда ўтказиладиган Олимпия ўйинлари саралаш баҳсларини ғалаба билан бошлади.

Яна бир гап. Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар учун футболчилар тайёрлайдиган базага эга бўлди. Республика Олий спорт маҳорати мактаби федерация балансига ўтказилди. Эндиликда бу мактаб мамлакатимиз терма жамоалари учун футболчилар тайёрлайди. Ундан умид катта. Бу ерда тарбияланаётган футболчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг кейинги фаолиятлари назорат этиб борилади. Мактабнинг Низоми, футболчиларни тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди. Янги мавсум учун иш режаси тузилди. Сунъий қопламали майдон, футбол майдончалари, футболчилар учун меҳмонхона қуриш ишлари тез орада якунига етади.

Лекин бу билан терма жамоаларни шакллантириш бўйича муаммолар бутунлай ҳал этилди, дея олмаймиз. Терма жамоани шакллантириш жуда осон иш эмас. Биринчи навбатда унинг илдизлари бақувват бўлиши лозим. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларининг иш жараёнини тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига кўра, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 16 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мамлакатимиз олий лигасида иштирок этаётган 16 профессионал футбол клублари (Ўзбекистон футбол федерацияси) ихтиёрига берилди. Демак, болалар футболини ривожлантириш бўйича ҳам ишончли қадам ташланди.

Президент қарорининг ижроси доирасида Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, ҳомийлик кенгашлари иш бошлади. Жамғарма профессионал футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Замонавий футбол жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бугунги мураббий нафақат жисмоний ва тактик машғулотлар ўтишни билиши, балки спортнинг энг сўнгги ютуқларидан ҳам хабардор бўлиши керак. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2006 йилда мураббийлар ва ҳакамлар мактаби ташкил этилди. Ушбу мактаб Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти базасида жойлашган бўлиб, унда назарий машғулотлар олиб борилади. Мактабнинг асосий вазифаси футбол бўйича ҳакамлар ва мураббийларни тайёрлаш, уларнинг малакаларини оширишдан иборатдир. Мураббийлар ўқишга кириш олдидан камида уч йиллик иш тажрибасига, шунингдек, Осиё Футбол Конфедерациясининг "С" тоифасидаги халқаро лицензиясига, ҳудудий футбол федерацияларидан тавсияномага эга бўлиши керак. Мактабда кўплаб ҳакам ва мураббийлар малака оширмоқдалар.

Футбол жамоалари фаолияти таҳлил этилганда, «Пахтакор» ва шунга ўхшаш айрим жамоаларни ҳисобга олмаганда, мамлакат чемпионатида қатнашадиган кўплаб клубларда муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. 2007 йил бошида МДҲ чемпионларининг бош совринини кўлга киритган мамлакатимиз бош жамоасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш лозим. Жамоада болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, стадионнинг аҳволини яхшилаш, ўқув-машғулотлар базасининг ишини ташкил этиш, маркетинг сиёсати яхши йўлга қўйилган. Бошқа клубларда-чи? Масалан, анча бўлдики, олий ва биринчи лига мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикасидан бирорта ҳам жамоа иштирок этмаяпти. Молиявий муаммолар туфайли биринчи лига турнир жадвалида юқори ўринларда бораётган "Ҳазорасп" жамоаси билан бирга «Қўқон 1912», "Сирдарё" ва "Сурхон" жамоалари ҳам ўтган мавсумда Ўзбекистон чемпионати ўйинларидан четлатилди. Пойтахтнинг "НБУ-Осиё" жамоасида иш жараёнини ташкил этиш учун тайинли идора ва зарур жиҳозлар йўқ. Кўпчилик жамоалар эгалик қиладиган ёхуд ижарага оладиган стадионлар капитал ва қайта таъмирлашга муҳтож.

Айрим футбол клубларининг барқарор ўйинлар кўрсаткичининг пасайиб кетишига мавсум давомида жамоа раҳбариятининг тез-тез ўзгариб туриши, молиявий аҳволнинг яхши эмаслиги, ўқув-машғулот йиғинларининг пухта ташкил қилинмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ўтган мавсумда олий лигадаги 16 та жамоадан 5 тасидагина бош мураббий ўзгармади, холос. Булар "Нефтчи", "Насаф", "Трактор", "Қизилқум" ва "Бухоро" жамоаларидир. Ахир футболдаги ғалабалар кўп йиллик муттасил меҳнат ва сабр-бардош меваси эканлиги маълум-ку?!

Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўтган йили мини-футболда қарор ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Май ойида Тошкентда мини-футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида юртдошларимиз кумуш медалларни қўлга киритдилар. 2007 йилги Осиё чемпионлар лигасида Тошкентнинг "Ардус" жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Мини-футбол бўйича терма жамоамиз жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида Осиё қитъасига бериладиган тўртта йўлланмадан бирини қўлга киритиш учун беллашади.

Албатта, футбол майдонларида ҳақиқий мухлислар қалбини забт этиш учун бир қанча омиллар яратилиши лозим. Лекин, бизнинг назаримизда, энг муҳим ва устувор омил — бу Ўзбекистон номини, демакки, юртимиз ғурури ва шаънини кўнгилга жойлай билишдир. Дунёнинг бошқа бир бурчагида стадион узра Ўзбекистон зафари ҳақида эълон қилишса, миллионлаб юртдошларимиз қалбини қувонч эгаллайди. Кўнглимизда ажиб ифтихор, чексиз фахр туйғуси уйғонади. Шундай шодиёна лаҳзалар тезроқ ҳаётий воқеликка айланишига ишончимиз комил.



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

Бугун

«Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси «Пекин — 2008» Олимпиадаси гуруҳ босқичидаги саралаш учрашувини БАА футболчиларига қарши ўтказади.

Ўзбекистон футбол федерациясида муҳим учрашув арафасида иккала терма жамоа мураббийлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Вадим АБРАМОВ, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси бош мураббийи:

— Албатта, гуруҳимиздаги бирорта рақибни кучсиз, деб бўлмайди. Босқичдан-босқичга ўтган ҳар бир жамоанинг ўйин услуби кучайиб бораверади. Виталий Денисовнинг учрашувда иштирок этмаслигини ҳисобга олмаганда, таркибда жиддий ўзгариш йўқ. Йигитларимизнинг тайёргарлиги ҳам жойида.

Алекс Жак Рене ДЮПОН, Бирлашган Араб Амирликлари Олимпия терма жамоаси бош мураббийи:

— Гуруҳимизда Жанубий Корея терма жамоасини биринчи ўрин учун асосий даъвогар, деб айтиш мумкин. Ўзбекистон, БАА ва Яман футболчилари иккинчи йўлланма учун баҳс юритишади. Шогирдларим ҳам фақат ғалаба учун майдонга тушадилар.

Эртага

Мамлакатимизда навбатдаги футбол мавсуми бошланади. Хабарингиз бор, футболимизда катта ислоҳотлар жараёни давом этмоқда. Бу ўз навбатида Ўзбекистон XVI миллий чемпионати учрашувларининг қизиқарли ва муросасиз ўтишини таъминлаши шубҳасиз. Қолаверса, олий лигада қатнашувчи жамоаларнинг барчаси мавсумга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрдилар.

Демак, биринчи турни **1 март** *куни* **«Нефтчи»—«Насаф»** *учрашуви бошлаб беради.* **2 март** *куни* **«Локомотив»—«Тўпаланг», «Металлург»—«Пахтакор»** *жамоалари майдонга тушадилар.* **3 март** *куни бўладиган* **«Андижон»—«Шўртан», «Вобкент»—«Қурувчи», «Трактор»—«Бухоро», «Машъал»—«Навбаҳор», «Қизилқум»—«Самарқанд-Динамо»** *жамоалари ўртасидаги учрашувлар билан биринчи тур якунланади.*

ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ВА
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Республика Кўчмас мулк биржаси бошқаруви республикамизда тадбиркорликка ва хусусий мулкчиликка доир кўрсатилаётган алоҳида эътибор ҳамда имтиёзлардан келиб чиққан ҳолда, юртимиз тадбиркорлари ва хорижий инвесторларга биржа савдоларида иштирок этишлари учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида РКМБ тизимида марказлашган электрон биржа савдоларини 2007 йилнинг 1 март кунидан эътиборан, доимий равишда ҳар ҳафтанинг расмий иш кунлари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Сиз 2007 йил 1 мартдан бошлаб нафақат душанба, чоршанба ва жума кунлари, балки ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ҳам РКМБ тизимида марказлашган электрон биржа савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш имкониятига эга бўлдингиз.

Савдо сессияси кунларида марказлашган электрон биржа савдолари нодавлат мулклар бўйича соат 9.30 дан 12.30 гача, давлат мулклари бўйича соат 14.30 дан 17.30 гача ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй, «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ. Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Хизматлар лицензияланган, лицензия: DB 001 №000004.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98.
Факс (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz
Хизматлар лицензияланган

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58
Товар сертифицирован

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Амалий механика кафедраси доценти Шоҳиста Мирзаевага волидаси **ПЎЛАТОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ сектор мудири, иқтисод фанлари номзоди **Жўра Акбарович АКБАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамоаси етакчи илмий ходим Жалил Ҳазратқуловга акаси **Халил ЭШОНҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Бино, иншоотлар ва қурилиш конструкциялари кафедраси доценти, техника фанлари доктори Ўткир Жабборовга фарзанди **НАЗОКАТХОНнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Халқаро бизнес кафедраси доценти Расул Турсуновга падари бузруквори **ТОИР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

(t)-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.10 23456